



“ОТАЛАР МАКТАБИ”
ОЧИЛДИ

2▶

ЮМОР — ФАЛСАФА-
НИНГ КУЛИБ ТУР-
ГАН ЧЕХРАСИ



4▶



ЎЗИНГНИКИ
ЎЗАГИНГНИ
КЕСГАНДА...

6▶

УРГУТНИ БИР
КЎРМАБСИЗ...



7▶

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

Барча бунёдкорликларнинг онаси китобдир

**МУХТАРАМ
ЮРТДОШЛАР!**
Ошлангизнинг яна бир
сирдош, дилдош дўстига
айланиб қолган
севимли газетангизга

2016 йил
учун обуна
давом эт-
моқда!

Обуна
индекси —
176

МТ МАТБУОТ тарқатувчи

акциядорлик компанияси халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришдек хайрли ишларга дахлдор эканлиги бизни янада жиддийроқ ишлашга ундайди, зиммамизга масъулият ва долзарб вазифалар юклайди.

Компаниямиз 2016 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна уюштирмоқда.

ОБУНАГА КЎМАКЧИ — “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”!



Реклама ўрнида

ФАХРИЙЛАРГА ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР

Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази томонидан ташкиллаштирилган "Кексалар эъзозда" деб номланган тадбирда Александр Артёмов, Хотам Жалолов, Зулфия Зайнидинова ҳамкасбларининг меҳр ва эътиборини самимий қутловлар ва эсдалик совғалар орқали қабул қилишди. Гарчи бугун улар нафақада бўлишса-да, марказ фаолиятида беминнат маслаҳатлари билан кўмак бераётганлиги эътироф этилди.

— Биз учун энг муҳими, эътибор. Айниқса, неча йиллар давомида ишлаган жойингизга ке-

Тадбир

либ, ҳурматни кўрсангиз хурсанд бўласиз, — дейди Зулфия Зайнидинова. — Ушбу йилда биз учун кўплаб имкониятлар яратилди. Шулардан бири ҳамкасбларимизнинг даврасидалигимиз. Бизни доим эслашадиган, маслаҳат сўраб туришадиган дўстларимиз билан марказ ташкил этилган кунни нишонлаш, бахт деб ўйлайман.

Ўтказилаётган бу каби тадбирлар кексаларимизни, айниқса, нафақадаги фахрийларни оз бўлса-да, жўшқин иш жараёнини эслашга, ёшлик йилларига қайтишга сабаб бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Камола РАҲИМХҲУЖАЕВА

Ташаббус

Одатда фарзандлар тарбияси билан кўпроқ оналар шугулланади. Нега? Ахир, бугун оналар ҳам, оталар ҳам жамиятнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб, оиласининг турмуши фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келяпти-ку! Бу жараёнга оталарни ҳам кўпроқ жалб қилиш учун нималар қилиш керак? Самарқанд шаҳридаги 76-мактабгача таълим муассасаси бу борада яхши ташаббусни илгари сурди. Мазкур мактабгача таълим муассасасида яқинда "Оталар мактаби" ташкил этилди.

"ОТАЛАР МАКТАБИ" ОЧИЛДИ



ЮНИСЕФнинг "Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини ёритиш бўйича салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасидаги семинар иштирокчилари, журналистлар бу гал ушбу боғчадаги "Оталар мактаби" машғулоти кузатиш имконига эга бўлдилар.

— Айтиш керакки, боғчамизда ташкил этилган мактаб фаолияти аниқ пайтада республика миқёсида оммалаштирилган, — дейди 76-мактабгача таълим муассасаси мудири Лайло Раҳматова. — "Оталар мактаби" аниқ тизим, режа асосида олиб борилиб, ундаги машғулотлар тажрибали педагог ҳамда психолог мутахассисларимиз ёрдамида тузилган. Ҳар чоракда бир марта юқори гуруҳдаги болажонларнинг оталари машғулотга таклиф этилади ва тарбиячи ёрдамида фарзандлари билан биргаликда турли машқларни бажардилар. Машғулотларни бошлаган кезларимиз санокли оталар бу мактабда иштирок этишга ҳоҳиш билдирган бўлса, бугунга келиб, улар кўпчиликни ташкил этмоқда. Тарбиячиларимизнинг кузатувларига кўра, уйда отаси билан вақт ўтказаятган болалар сони ҳам ортган. Таълим-тарбияда оталар иштироки нечоғлик аҳамиятлилигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу биз кутган натижа.

Машғулотлар бошланди: илк шартда оталар фарзандлари билан маълум вақт ичида пуфакларни шишириб, уларга куз фаслига оид ўнта белгиларни чизиб бериш керак эди. Кейинги шартда эса ота-болаларга мева, пластилин, рангли қоғозлардан куз фаслига оид шакллар ясаш вазифаси берилди. Яна бир машқда эса улар жам бўлишиб, эртақлардан бирини ижро этиб беришди...

— Ушбу машқларнинг ҳар бири бежиз танланмаган, — дейди МТМ психологи Нилуфар Нуриддинова. — Мисол учун пуфак шишириш шarti нафас йўллари учун фойдали бўлиши баробарида бола бу машқ орқали сананин, фаслга оид белгиларни ўрганади. Пластилин, рангли қоғоз, мева билан ишлаш эса кўл моторикасининг ривожланишида аҳамиятли. Оила даврасида ҳам эртақлар саҳналаштирилса, болага кўпроқ вақт ажратилиши баробарида унинг ўзига нисбатан ишончи ортишига ёрдам бўлади.

Шартлар якунида "Оила мактаби" иштирокчилари бўлмиш оталарга таълим муассасасидаги фаол иштироки учун фахрий ёрлик берилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олиб, бу каби тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кўпроқ ёритиш самарали эканини таъкидладилар.

Гулрух МҶМИНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Самарқанд вилояти.

Пойтахтимизнинг Уч-тепа туманидаги 38-мактабда "Ораста қизлар" республика кўрик-танловининг халқ таълими тизими бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Навқирон авлод ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, айниқса, қизларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими билан тўла қамраб олиш, уларнинг саломатлигини асраш, теран ва юксак маънавиятли шахслар бўлиб вояга етишида албатта, бу сингари таълим муассасаларида ташкил этилган тўғарақларнинг ўрни катта.

Кўрик-танлов давомида сўзга чиққанлар қизларда ўз

ОРАСТА ҚИЗЛАР САРАСИ

саломатлигига бўлган масъулиятни ошириш, уларни турли ёт таҳдидлардан асраш, дунёқарашини ўстириш, гигиена, тиббиётга доир билимларини мустаҳкамлаш бугунги кунда гоятда муҳимлигини таъкидладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида голиб деб топилган "Ораста қизлар" тўғарақининг 14 сардори танловнинг якуний босқичида ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Танловда иштирокчилар

Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида илгари сурилган ғояларни қанчалар пухта ўзлаштиргани, тўғарақларнинг ўқувчилар тарбиясидаги ўрни, соғлом маънавий муҳитни яратишга қўшган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратишди. Қизларнинг уй-рўзгор юмушлари, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билимлари, турли психологик вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш қобилияти текширилди.

Кўрик-танлов сўнгида голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Нилуфар АҲМЕДОВА.

Пойтахтимизда "Эртанги кун бизники, марра бизники" шиори остида ўтказилаётган "Ёшлар ҳафталиги" олдидан ОАВ ходимлари учун матбуот-конференция ташкил этилди.

ЁШЛАР ҲАФТАЛИГИ

"Ёшлар ҳафталиги" "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси томонидан ўтказилди.

Унда олий ўқув юртралида фан, таълим, маданият ва санъат йўналишларида тахсил олаётган иқтидорли талабалар, давлат мукофоти, номдор стипендия соҳиблари, ижтимоий фаол ёшлар, санъат ва маданият намоёндалари, таниқли илм-фан арбоблари, кино ва мода йўналишида ижод қилаётган хорижий экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этадилар.

Анжуман давомида ҳафта-

лик талаба-ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, уларда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга, мустақил фикрлашга, ўз ҳаётини позицияси ва қатъий эътиқодига эга баркамол авлоднинг шакллантиришга, ёш авлоднинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён этиш ва рағбатлантиришга, талабалар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳити, дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга, ёшларни мамлакатимиздаги ислохотларда етакчи куч сифатида ўзини намоён этиш ва янги марралар сари руҳлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Жорий йилда илк маротаба ташкил этилаётган "Ёшлар ҳафталиги" доирасида: қисқа

метражли фильмлар фестивали, мода ва дизайн фестивали, талабалар театр студиялари фестивали, "Кувноқлар ва зукколар" танлови, "Тафаккур синовлари" танловининг финал босқичи, "XXI — интеллектуал авлод асри" шиори остидаги илмий-амалий конференция, "Янги нигоҳ" видеориқлар танлови совриндорларини тақдирлаш маросими каби тадбирлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Ўйлаймики, бу каби тадбирлар ёшларнинг ҳар жиҳатдан камол топишида муҳим ўрин тутади. Танлов голиблари ҳафталик давомида интернет фойдаланувчилари томонидан овоз бериш йўли билан аниқланиб, уларни тақдирлаш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

Фаолият

жариялантирилади. Бу борада Президентимиз фармонлари, ҳукуматимизнинг соҳага оид қарорлари ва республика Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари асосида иш юртияпмиз. Ўтказилаётган амалий тадбирлар ўз натижасини бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида соҳа ходимлари кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқиб, қатор ишларни амалга оширишмоқда. Барча қулайликларга эга бўлган бўлимимизда фуқаролар учун кутиш зали, маълумотлар бериш ва паспортларни тарқатишга мўлжалланган хоналар қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Самарқанд вилояти.

Ургут туман ички ишлар бўлими паспорт бўлимининг ўз ишини пухта билган, талабчан ходимлари турли масалалар бўйича мувожаат этаётган фуқароларга ортиқча оворагарчиликларсиз беминнат хизмат кўрсатиб келишмоқда.

— Ургут вилоятимизнинг энг катта туманларидан бири. Шунга яраша масъулият ҳам жиддий. Олдин мисол, қабул кунлари туманимизнинг деярли

барча ҳудудларидан фуқаролар келишади. Албатта, уларнинг аксариятини ўйлантираётган муаммоларга шу ернинг ўзида жавоб бериш керак, — дейди туман ИИБ паспорт столи бошлиғи, майор Комил Аҳмедов. — Аҳолининг паспорт тартиботи қондалари га риоя этишини назорат қилиш, ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, диний экстремистик оқимларга кириб қолган шахсларни аниқлаб, тегишли чоралар кўриш, фуқароларни янги биометрик паспорт билан таъминлаш, чегара зонасига кириш учун ружатномаларни расмийлаштириш ва бошқа долзарб вазифалар ички ба-

ХИЗМАТГА ЯРАША ЭЪЗОЗ

ФАЙЗИЁБ КУНЛАР ШУКУҲИ

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Бугун кексаликнинг нури лаҳзаларида яшаётган Маҳкам ота жуда эрта улғайди, “хаёт ташвишлари” сўқмоғидан ўтди. Эрта етимлик 12 ёшидаёқ бу инсонга яшаш учун кураш сабоқларини бера бошлади. Ўз вақтида ҳалол яшаб, оила тебратётган Ҳомид ота ноҳақ айбланди, бор мол-мулки истибоддод замони манфаати учун талон-тарож қилинди. Оила пароканда бўлди, уч қиз, икки ўғил она билан бирга сарсон яшай бошлади. Оиланинг тўнғичи Маҳкам ота бошга тушган кўргуликлар сабаб бор-йўғи 4-синфгача таҳсил олган, қолган умри тирикчилик билан ўтди.

— Тошкент шахрининг Олмазор туманида туғилганман. 9-10 ёшларимда мактабга бормасдан ҳаммоллик қилдим, — дейди Маҳкам ота Ҳамидов. — У даврда ўқиш учун шароит бормиди?! Отам қандолатчилик билан шуғулланарди, тадбиркорликни ўрганиш учун шогирд тушиб, уларнинг ортидан ўз ризқимни топдим. Укамга ўқиш учун шароит яратиб бердим. Ҳаёт инсонни синайди, деганлари рост экан. Айниқса, қариндошлик ришталарининг мустаҳкамлиги қийинчиликда билинади. Ака ҳам ота ўрнида укаларининг, опа-сингилларининг тиргаги бўлиши керак. Жигарлар ўрта-сидаги низолар оиланинг пароканда бўлишига, отанинг номи қораланиб, онанинг боши эгилишига сабаб бўлади. Баъзан буни ёшлар тушунишмайди, ёки билишганда кечикади, яқинларини йўқотади.

Оиланинг устун эркак бўлса, уни суяб турадиган тиргак — оқила аёлдир. Ҳаётда оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга, яқинларининг бахтини устун қўйишга одатланган қаҳрамонимизга ўзи каби умр йўлдош учради. Султонпошша ая билан ўтган 60 йиллик ҳаётининг роҳатини фарзандлари улғайгач, отани эъзозлагач кўрди...

— Яхши аёл сени шундай бахтли қиладики, борлигида ҳам, йўқлигида ҳам унинг қадрини, меҳрини ҳис қилиб турасан, — дейди Маҳкам ота. — Менинг аёлим ана шундай фаришта-

сифат эди. Бугун фарзандларим ва набираларимнинг меҳрини кўриб, уни менга бебаҳо ва ғамхўр фарзандларни улғайтириб берганида ҳис қиламан. Кўп йиллар давомида шифокор бўлиб ишлади. Ҳаётдан нолиб, иш ёки фарзандларининг тарбиясидан қийналганини эслай олмайман. У ҳар бир ишга меҳр билан, иштиёқ билан киришарди. Айниқса, оилавий муносабатларда отанинг ўрнини, ёрнинг мавқеини фарзандларига билдириб, кўрсатиб борган. Болаларининг ота-



ни ҳурмат қилишига, энг аввало, она сабабчи бўлар экан, қачонки, аёл болага отаси ҳақида муҳаббат билан, ҳурмат билан, меҳр билан гапирса, ёмонини яшириб, яхшисини оширсанга, ўша оилада ўғил чинакам эркак, оилапарвар отага айланади, қизлари эса оқила ва вафодор бекалар бўлиб улғайишади.

Бир вақтлар ака бўлиб укасини ўқитган отахоннинг тақдири фарзандада такрорланди: тўнғич ўғли Шўҳрат ака уч укаси ва икки синглисининг ўқишига кўмаклашди. Отасининг ҳаминқадар билими болаларни асло қийнамади, чунки тўнғич ўғилга берилган таълим, эътибор укаларини ҳам рағбатлантиришга имкон яратди.

— Болалигимизда отамизнинг

бошларидан кечирган воқеаларни кўп эшитардик. Бобомиз, оналари, опа-укалари ҳақида гапириб берарди. Ҳозир эса набираларимга бу ҳақда гапирсам “эртақ” дейишади, — дейди Ғайрат ака. — Ана шундай ибратли воқеаларни эшитиб катта бўлганмиз. Шўҳрат акам бизга дарс тайёрлашимизда, фанларни ўзлаштиришимизда ва, ҳатто, олий ўқув юртида таҳсил олишимизда ҳам кўмак берганлар. Ўзлари ҳам олий маълумотли иқтисодчи. Уларнинг

эътибори сабаб ҳаммамиз ҳаётда ўз йўлимизни топдик. Мана ҳозир Озодаҳон опам доришунос, Раёно опам ва Ботир укам иқтисодчи, Баҳромжон инженер. Оиладаги моддий шароитдан ташқари маънавий соғлом муҳит ҳам келажагимизга хизмат қилган.

Ўтмишнинг изтироблари қалбда зоҳир Маҳкам ота каби нуруний инсонларимиз бугун эъзоз ва эътиборда. Амалга оширилаётган ислохотлардан барча қариялар каби қаҳрамонимиз ҳам баҳраманд.

— Бой бўлиш, ўзига тўқ яшаш айб бўлган даврларни бошимдан ўтказдим. Илм олишга ҳавас баланд бўлса-да, ҳамма қатори ўқиб, ўрганоладим, — дейди қуюниб қаҳра-

монимиз. — Баъзан ўша кунларни эсласам, ҳозиргидек шароитнинг ўндан бири бўлганида ҳуқуқшунос ёки шифокор бўлармидим, деб ўйлаб қоламан. Ўз еринг, меҳнат маҳсулини бўла туриб қарамликда яшаш жуда оғир. Мустақиллик бизга энг олий неъмат — хурлик ва фаровон турмушнинг ҳадаи этди. Ҳар нарсанинг қадрини уни қийналиб, пешона тери билан толган инсонгина яши билади.

Болаларнинг кексалар билан бирга яшаши, улғайишида ҳикмат кўп. Ватан ҳақида кўпни кўрган қариялар жўшиб гапирди. Фарзандга гўдак-лигидан юрт меҳрини сингдириш, халқнинг хизматида бўлишдай шарофатли вазифани сидқидилдан бажаришни ўргатиш лозим. Буни болага оиладан бошлаб, ота-она, ака-укага оқибат, каттага ҳурмат-у, кичикка иззатни тушутириб, қалбига сингдириш керак. Инсонни Ватанга боғлаб турган ришталар бўлмаса унинг қадри юз чандон бўлмайди. Демак, биз болаларимизни узоқ юртга, ҳаттоки қўшни қишлоққа жўнатишдан олдин унинг яшаб турган ерига меҳрини баланд қилиб ўстиришимиз лозим. Шундагина оналар орзусидагидек суянч тоғлар, мустаҳкам илдишлар кўлаверари.

Маҳкам ота каби боболаримиз бизга биринчи мураббийлардир. Отамиз-онамиз турмуш ташвишлари билан банд бўлган бир вақтда ўзи ҳам бола каби беғубор бўлиб қолган нурунийлар бизни улғайтиради. Улардан ҳаёт сабогини, инсонийлик мезонларини ўрганаемиз. Бобосининг кетидан қўлчасини белгилаб қўйиб юрган болакай ниҳолни ерга қадаб меҳнатга илк рағбатни, она ерни яшнашига бўлган иштиёқни олса, тавбижонисининг қадок қўллариди тўланаётган дўппилару, қуроқларни кўриб, ибратли эртақларни тинглаган қизлар гўзаллик ва эзгуликка шуофта бўлади, десак хато бўлмайди.

Камола АДАШБОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ЛАНГАРЛИК УМБАР БОБО

жаҳон уруши қатнашчиси Умбар бобо Саломов яшайди”, деб ёзилган дарвозадан ичкарига кирарканмиз, қулоғимизга ёқимли мусиқа садолари эшитилди.

— Бу Икромжоннинг овози-ку, — деди ҳамроҳимиз Нортажи ака менга юзланиб. — Ашулага ҳам “жон” киритади-да.

Ховли гавжум. Бизга пешвоз чиққан Умбар бобонинг кенжа ўғли Бахтиёржоннинг кўзлари қувончдан порлади. Салом-алиқдан сўнг даврага қўшилди.

— Катта опам Кароматхон Андижонда яшайди. Отамни қутлагани оила-аъзолари билан келишган, — қўшиб қўйди мезбон қувончини яширолмайд.

Табаррук 95 ёшни қаршилаган Умбар бобонинг хонадонига юртимизнинг турли бурчакларидан меҳмонлар келиб, отахонни зёрат қилиб кетишади. Шу куни кенгача Қизил мазор, Қўқбулоқ, Нагоҳон, Катта тол, Қорақўз сингари ўнлаб кишлоқлардан Умбар бобони таниган, у билан бирга ишлаган кадронлари гурунқ қилишди.

— Биз бу оила билан бир неча йилдан буён борди-келди қиламиз, — дейди Чангақ кишлоғилик Тура Асадов. — Раҳматли отам билан кадрдон дўст бўлиб, қимматли маслаҳатларини берган Умбар бобо оиласи нафақат биз, балки бутун кишлоқ аҳлига ибрат бўла олади.

Урушдан кейин ички ишлар соҳасида узоқ йиллар самарали хизмат қилган Умбар ота Саломовнинг касбини кенжа фарзанди Бахтиёржон давом

этириб, халқ орасида эъзоз топди. Аини пайтда у ҳам пенсияда.

— Бу хонадонга келин бўлиб тушганимга 20 йилдан ошди, — дейди Бахтиёржоннинг турмуш ўртоғи Сарвиноз Эшкурбонова. — Раҳматли қайнонам Норбуви аядан кўп нарсаларни ўргандим. Билмаганларимни ўргатиб, болаларимни катта қилишимда энг яқин кўмакчим бўлганлар. Қайнонам оламдан ўтганларидан сўнг қайнотамни ёлғизлатиб қўймадик. Ҳоҷар, Санобар, Муҳтарам, Шохсанам сингари овсинларим ҳам қайнотамнинг дуоларини олиб кам бўлишмади.

Умбар бобонинг фарзандлари ҳам бугун эл хизматида. Тўнғичи Нортажи ва Маҳмаюсуф муҳандис. Каромат ўй бекаси, Исмоил ва Гулнора тадбиркор. Маҳматқул иқтисодчи. 60 нафар неваравара бобосининг атрофида парвона.

— Муҳтарам Президентимизнинг биз кекса авлод вакилларига кўрсатаётган ғамхўрликларидан бошимиз осмонда, — дейди Умбар бобо мамнулик билан. — Истиклол шарофати туфайли қишлоғимизда бир-бирдан шинам ва кўркам илм масканлари, соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиб, аҳолига хизмат кўрсатаётгани қалбларимизни мунаввар айламоқда. Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги, дастурхонларимиз тўқинлиги, ҳаётимиз фаровонлиги мустақиллигимиз шарофатидандир. Илоё, йил сайин гўзаллашиб, обод бўлиб бораётган юртимизга кўз тегмасин!

Шавкат СУЛТОНОВ,
журналист.
Қашқадарё вилояти.



Телефоннинг устма-уст жиринглашидан сергак тортиб, гўшақни кўтардим.

— Ассалому алайкум, Нортажиман. Эртага кишлоққа ўтаяман, бирга бориб-келсак, дегандим — Жуда яхши, бир йўла Умбар бобони ҳам кўриб қайтамиз. Фақат барвақт йўлга чиқишимиз керак.

...Қамашига етиб келиб, “Қизилтепа-Лангар” йўналишида қатнайдиған “Дамас”га ўтириб, Умбар бобо хонадон томон ошдик. Лангар дарёси бўйлаб чўзилиб кетган ўнқир-чўнқир тоғ йўлининг ўзига хос мураккаблигини сезсак-да, атроф гўзаллигига боқиб, табиатдан завқланган ҳолда манзилга қандай тез етиб келганимизни ҳам сезмадик.

— Хув ана, тепаликка чиқсангиз, Умбар бобонинг уйлари, — деди ўзини Алижон Расулов деб таништирган, қорачадан келган, паст бўйли, истараси иссиқ ҳайдовчи йигит. “Бу уйда Иккинчи

“Кизиқчиликни мантиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мантиқсиз латифа халқ ичида, онгида бир кун ҳам яшмайди”, — дейди иқтидорли сўз устаси, кизиқчи Абдулла Акбаров.

ЮМОР — ФАЛСАФАНИНГ КУЛИБ ТУРГАН ЧЕХРАСИ

— Абдулла ака, ёшлигингизда уста кизиқчилардан кимларга ўхшашни орзу қилгансиз?

— Мактабда ўқиётган кезларим турли байрамларга бағишланган сахна кўринишлари тайёрланарди. Биз ҳам синфдошларим билан бирга имкони борича кулгили сюжетларга бой чиқишлар уюштирдик. Кулги дарғаси Муҳиддин Дарвешовнинг ҳеч қандай масхарабозлик ва аёллар кийимсиз, бачканаликлардан холи тарзда кулдира олиш санъатига кўплар қатори мен ҳам ҳавас қилганман.

Ўқувчилик йилларимдан бошлаб, устанинг магнит тасмага битилган ҳангомалари, аскияларини эшитиб юрардим. Муҳиддин аканинг кулгили хангомасига эмас, асосан, ўша латифа билан нима демоқчи эканлигига, қандай сўз ўйинларидан фойдаланаётганига эътибор қаратардим. Устоз билан биринчи марта учрашганимда ҳаяжонланганимдан бир неча кун давомида пухта тайёрлаб келган янги латифамни ҳам ёддан чиқариб қўйганман.

Кўпчилик ижодкорлар ҳаётда бошқа, сахнада умуман бошқа одам бўлса, Муҳиддин аканинг нузли қиёфасида аскиячилик борасидаги феъл-атвори билан водийликларга хос кўнгли очик, танги, камтар феъли уйғунлашиб кетганди. Шунинг учун ҳам у кишига ҳавас қилдим ва шундан даражага етишиш мушкул бўлсада, қаттиқ бел боғладим.

Балки, кимдир устозини кўкларга кўтариб мактапти дер, лекин, Муҳиддин Дарвешов аския санъатининг мохир ижроچиси сифатида 1974 йилда Москвада ташкил этилган халқор фестивалда “Чумоли ва Ниначи” масалини 14 тилда сўзлаб, бутун дунёга Ўзбекистондек буюк забоб борлигини танитган инсон ҳисобланади.

— Фарзандларингиз орасида сизга эргашганларингиз ҳам борми?

— Йўқ, ўзлари истаган йўналиш бўйича билим олишлари учун имконият яратиб бердим. Биз санъаткорлар кўпинча халқ хизматида, ижод билан банд бўлиб, фарзанд тарбияси учун вақт ажрата олмаيمиз. Уч ўғлим ҳам олий маълумотли, ўз соҳалари бўйича фаолият юртишмоқда. Уларнинг тарбиясида умр йўлдошим менга кўмакчи бўлди. Аммо энг қувонтирадиган ҳолат шуки, оиламда асосий сўзни, фикрни мендан қўтишади. Аёлим фарзандларимни болалигидан шунга ўргатган.

— Кизиқчиликда мантиқ ва фалсафа тушунчасини қандай изоҳлайсиз?

— Юмор бу фалсафанинг кулиб турган чехрасидир. Кизиқчиликни

мантиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мантиқсиз латифа халқ ичида, онгида бир кун ҳам яшмайди.

— **Актёрлик, нотиклик ва сўз устаси... Бу сифатларнинг қай бирини уйдalasа одам ҳақиқий кизиқчи бўлиб етишиши мумкин?**

— Актёрлик, сўзамоллик ўз йўлига, кизиқчи, аввало, самимий, камтар, оддий инсон сифатида халқ билан мунтазам мулоқотда бўлиши зарур. Одамлар орасида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни омманнинг юзига ойна каби кўрсатиб, халқчилик ва ҳаётчилик асосига қурилган мазмундор латифалари билан инсонлар ҳаётини акс эттириши

лозим. Муҳиддин Дарвешов бизга: “Кизиқчини халқнинг турли табақадаги вакиллари, профессори ҳам, дехқони ҳам, оддий ишчиси ҳам, хунарманди ҳам тинглайди. Ижодкор ўша қатламларнинг барчасига мос ва манзур бўладиган, кўнглига тегмайдиган сюжетлар тайёрлаши, бунинг учун эса ҳар соҳага оид билим манбага ва пухта малакага эга бўлиш зарур”, дерди. Асл истеъдод соҳибига ҳамиша изланишда бўлиши, халққа манзур латифасини ҳам англиклар билан бойитиши зарур.

— **Бугунги даражага етгунча қайси босқичларни босиб ўтдингиз?**

— Ёшлигимдан кизиқчилик қилишга эмас, балки, ниятим чин юракдан одамларни кулдиришга интилганман. Бунинг учун кўпроқ китоб ўқишга, ҳақиқий санъатни тушунишга, англашга ҳаракат қилдим. Йиллар давомида турли соҳаларга, ҳаттоки табобатга оид илмий китобларни ҳам мутолаа қилиб бордим. Ҳозирги кунда ҳам бу анъани давом эттирялман. Ҳар бир дастуримни тайёрлашдан олдин, маълум бир асосга таяниб, атрофимда рўй бераётган ҳақиқий муҳитдан келиб чиқиб, латифалар ёзаман. Кизиқчиликнинг асосий омили ва мезонлари ҳам шунини талаб этади. Шундагина одамларни ортимиздан эргаштиришимиз, аскияларимиз тилдан тилга ўтиб, омма орасида “яшаши” мумкин. Ёшлигимизда янги аскияларимни аввал устозимга кўрсатиб, уларнинг имтиҳонларидан ўтсамгина, дуоларини олиб, сўнг сахнага қадам кўярдим. Бугунги ёшлар эса аксинча, бизнинг латифаларимизни рухсат сўрамай ҳам ижро этишапти.

— **Аскиячилик, кизиқчилик, аслида, тугма истеъдодми ёки ўрганиш мумкин бўлган касбий маҳоратми?**

— Аскиячилик мумтоз сўз санъати бўлса, кизиқчилик унинг замонавий

Гурунг

йўналиши ҳисобланади. Аския ижроچиси оддий сўз ёки иборани турли маъно товланишларида ишлатиб, ҳаётдаги салбий ҳолатларни самими-

ят, дўстона кулгу билан ҳажв остига оладилар. Ҳақиқий кизиқчи бўлиш учун истеъдоднинг ўзи етарли бўлмайди. Кўп

йиллик тажрибага эга устозлар анъанасини пухта ўрганиш, доим янгилик ортидан боришимиз керак. Меҳнат истеъдодни сайқаллайди. Айтаётган аскияларимиз халққа манзур бўлади, одамлар бундан баҳра оладими, шу ҳақда кўпроқ ўйлаб, мулоҳаза қилиш ҳам фойдадан холи эмас. Сахнага чиқиш олдида аудиториядаги одамларнинг касб-кори, маънавий қиёфасини, географик жиҳатдан жойлашган ўрнини, урф-одатларини ҳам эътиборга олиш зарур. Шундагина мухлисларимиз бизни тинглашади, интиқ бўлиб қутишади. Ҳар бир инсон ўз тақдирини ўзи белгилайди, касбимизда ҳалоллик билан иш юриш талаб этилади. Ижодимни боришлаган даврлардан бери янги услубдаги сериал тарзидаги хангомалар яратишга ҳаракат қилдим. Ҳаттоки, йиллар давомида яратган латифаларимни “Абдулла кизиқ нима дейди” номи билан “Шарқ” нашриёти матбаа концернида китоб сифатида чоп эттирдим.

— **Миллий менталитетимизга кўра оилада барқарорликни сақлашда, ўзаро муносабатларда катта-кичиклар ўртасидаги андиша, иббо, ҳаё мустаҳкам девор бўлиб хизмат қилади. Аммо экран орқали намойиш этилаётган айрим фильмлар қатори кизиқчилик йўналишидаги сахна кўринишлари ҳам ўша пардани бузаётгандек, назаримда...**

— Иббо, андиша ва ҳаё кўхна қадриятларимиз билан уйғунлашиб, қонқонимизга сингиб кетган. Уларни асраб-авайлашимиз учун фаросат ва идрок керак, аклли бўлиш шарт. Бачкана, уят сўзларни қўшиб айтаётган кизиқчиларимиз экран ортида сингилси, ота-онани, опаси, яқинлари қўриб ўтирганини ҳисобга олишсин, дейман. Наҳотки, бу андиша қилишмаса, баъзи бир гуруҳларнинг сахна кўринишларини томоша қилиб, кетган вақтимга ачинаман. Наҳотки бу фаросатсизлик эканини тушунишмаса. “Кизиқчиман”, деб сахнага кўтарилган айрим ёшларнинг сўз бойлиги камлигидан ҳайратланасан киши...

Ўзбек халқ аскиячилик санъати моҳиятини тушунмай, фақат кулдиросак бўлди, деб тор фикрлаш нотўғри. Асл миллий талқинда яратилган, неча минг йиллик тарихга эга аскияларимизда инсонлар турмуш тарзидаги оддий ҳолатларни, камчиликларни юмор орқали юзага чиқариб берилган. Ҳозирги кунда тор маънодаги ҳазиллардан фойдаланиб ёки кимдандир кўчириб, сохта обрў орттираётган айрим ёшларимиз орасида ўзбек миллий кизиқчилигини сақлаб қолишдан кўра, санъат намуналаримизни бузиб ижро этиб машҳур бўлиш ҳисси устунлик қилмоқда.

Ҳақиқий кизиқчи сўзга бой, ҳар қандай кулгили ва жиддий ҳолатларда одамларга гап топиб кулдира оладиган, кўнгли майли билан ҳисоблашишни билладиган, айтаётган ҳар бир сўзи халққа қандай наф келтириши тўғрисида ўйлаши шарт!

Шаҳноза ТОЖИДИНОВА
суҳбатлашди.



МУМТОЗ ВА ИМТИЁЗ — “Мумтоз” ва “имтиёз” сўзлари битта илдиздан ўсиб чиққан бўлиб, “ижобий жиҳати билан аҳралди” деган маънони англатган. “Мумтоз” сўзи “сараланган”, “аъло даражали”, “машҳур” маъноларини ифодаласа, “имтиёз” сўзи “ортиқча ҳуқуқ”, “енгиллаштириб берилган шароит” мазмунини билдиради.

Шу тарзда Навоий ўзбек мумтоз адабиётида “муншаот” деб аталадиган янги бир жанрни ҳам бошлаб берди.

Пиримкул Қодиров

ТАНОВАР — “Тановар” ўзбек халқ рақс куйларидан бири. Бу сўзнинг “танавор” шакли ҳам бор. Кизиғи шундаки, “тановар” сўзининг туб илдизи ўзгача маънога эга. Яъни “тановар” — “тўладан келган”, “барваста” деган маъноларни англатган. Шунингдек, пойабзалнинг кўнжи учун ишлатиладиган тери ва ундан ўлчаб олинган андозага ҳам “танавор” дейилган.

Тановар куйи унинг кўнглида фаройиб туйғуларни уйғотар, ўзига қадрдон кечинмаларни эслатар эдди.

Журналдан

Чармфурушлик бозорида таг-чарм бошқа растада, танавор чарм бошқа растада сотилишини гапириб берди.

Мирқарим Осим

УШШОҚ ВА ОШИҚ — “Шашмаком”нинг иккинчи мақомлар гуруҳига оид машҳур куй ва шу куйдаги ашуланинг номи “ушшоқ” деб аталади. “Ушшоқ” сўзи асли “ошиқ” сўзининг кўплиги бўлиб, “ошиқлар” деган маънони англатади.

Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар,

Бу мазмун ила хат ул сафҳаи рухсора ёзмишлар.

Фузूलӣ

ХОТИР, ХОТИРА ВА ХОТИР-ЖАМ — битта илдиздан ўсиб чиққан бўлиб, “эс”, “ёд”, “ўй”, “хаёл”, “фикр” маъноларини англатади. “Хотиржам” сўзи “хотир” ва “жам” сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлиб, эс, ўй, хаёл ва фикрни бир жойга жамлаш мазмунини ифодалайди.

Одам нимаики қилмасин, ҳаммасини хотиржамликка эришиш учун қилади. Лекин шу жараёнда ноҳуя қадам ташласа, бор хотиржамлигидан ҳам маҳрум бўлади.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

“ҚИЗИМ ОНА БЎЛОЛМАЙДИ(МИ)?”

Яқинда савдо марказида қимматбаҳо мато харид қилаётган она-болани учратдим. Сезишимча, рангпаргина, нимжон, жуссаси ҳам кичиккина қиз бўлажак келин эди. Унга қараб беихтиёр кўнглимдан, бу қиз келинлик юмушларини қандай бажараркин, эртага «юкли» бўлса, фарзандини қандай дунёга келтираркин, деган саволлар туғилди. Ҳайрат билан етмасдан бир пайт боғи она безовта бўлиб қолди.

— Қани, мана бу ерга ўтир-чи, ҳозир ўтиб кетади, — дея ранги девордай оқариб кетган қизини раста четига етаклади. Сўнг сотувчи йигитга юзланди: — Ўғлим, қизимнинг мазаси бўлмади қолди. Бир пиёла сув беринг...

Уларни кузатиб туриш ноқулай бўлгани учун нари кетдим. Аммо боғи саволлар хаёлимда айланаверди. Кўз олдидан қўлида бир кийимлиги эллик минг сўмлик матони ушлаб олиб, касалманд қизини ўзига келтиришга уринаётган она кетмасди...

Яна бир воқеага туғруқхона эшиги олдидан гувоҳ бўлгандим. Ушанда ҳали етти ойлик ҳам бўлмаган, ҳомиласи жароҳлик йўли билан олиб ташланган келинчакнинг онаси ўз-ўзидан ёзирганди:

— Боламнинг соғлигига нега аввалроқ эътибор бермадим-а? Белим оғрияпти деса, ҳаммада ҳам шундай бўлади, деб парво қилмабман. Энди у ҳеч қачон она бўлолмайди-ми-а?

...Ҳа, орамизда ҳамон эртага она бўладиган қизи соғлигига жиддий эътибор бермайдиган оилалар, волидалар ҳамон бор. Шунинг учун ҳам оналар ва гўдаклар ўлими юз берапти. Ҳамон биринчи фарзандини ҳомилалигидаёқ йўқотиб, она бўлиш бахтидан мосуво бўлаётганлар учраяпти.

— Ота-боболаримиз келгуси насл тақдирини ҳақида қайғуриб, соғлом ва бақувват зурриётлар дунёга келиши умидида келин танлашга катта эътибор берганлар, — дейди Республика илмий-амалий ва гинекология илмий текшириш маркази Наманган филиали акушер-гинеколог Ирода Мухитдинова. — Улар нафақат соғлом келин танлаган-

лар, балки соғлом фарзанд туғилиши учун келинни асраб-авайлаганлар ҳам. Афсуски, ҳозир айрим қайноналар ва куёвлар келинга, бўлажак онага эътиёткорона муносабатда бўлмаётган. Ваҳоланки, касалманд гўдак туғилса, фақат онани айбдор санашади. Аслида, бўлажак она ҳомиладорлик даврида кучли руҳий зўриқишни бошдан ўтказган, витаминли, тўйимли маҳсулотларни истеъмол қилмаган, вақтида дам олмаган, вақтида даволанмаган. Ҳам жисман, ҳам руҳан толиққан онанинг соғлом фарзандни дунёга келтириши дарғумон.

Шунинг учун қайноналар ва ёш оила соҳибларини бугун борада етарли тушунчага эга бўлишларини таъминламоғимиз керак. Оналар қизларини



нинг сеп-сидирғасидан ҳам аввал уларнинг саломатликларига эътибор қаратсин.

— Хузуримизга турли гинекологик хасталиклардан азият чекаётган хотин-қизлар ташиф буюради, — дейди 1-Наманган шаҳар шифохонаси ҳомиладорлар патологияси бўлими мудири Раънохон Қўлдошева. — Уларнинг айримларида бепуштлиқ кузатилади. Бу касалликнинг бирламчи ва иккиламчи турлари бор. Бирламчи бепуштлиқ ҳали аёлнинг мутлоқ ҳомиладор бўлмаганлигидан дарак берса, иккиламчи пуштсизлик аёлнинг олдин бир неча марта ҳомиладор бўлиб, сўнгга бўйида бўлмади қолганлиги билан ифодаланади.

Тухум ҳужайра ривожланиши ва унинг тухумдондан ажралиш жараёнининг бузилиши аёллар бепуштлигининг энг кўп учрайдиган сабабларидан ҳисобланади. Тухумдоннинг соғлом бўлиб, меъёрий фаолият кўрсатиши ўта муҳим.

Бепуштлиққа озик-овқатлар таркибида дармон-дорилар, минерал ва микроэле-

Долзарб мавзу

ментларнинг танқислиги сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бу аёл вужудининг нафақат жисмоний тақомилдан ортада қолишига, балки жинсий ноетукликка ҳам сабаб бўлади. Болаликда бошдан кечирилган турли юқумли касалликлар, жумладан, вирусли гепатит, ревматизм ҳам бепуштлиқни келтириб чиқаради.

— Балогат ёши бўсағасидаги қизларнинг руҳий зўриқиши ёхуд ҳаддан зиёд оғир жисмоний меҳнат қилиши уларнинг сиҳатида салбий таъсир этади ва бепуштлиқка олиб келади, — дея суҳбатдошининг фикрини давом эттиради Республика шошилчин тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали акушер-гинеколог Раънохон Шокирова. — Қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши, гипопизез касалликлари ҳам бепуштлиқ юзга келиши билан боғлиқ. Чунки гипопизез етишмовчилиги фолликулалар етилишини секинлаштиради.

Афсуски, ҳозирда жуда кўп қизларимиз, ёш келинларимизда буйрак усти безлари қобиғи фаолиятининг бузилиши кузатилади. Бу касаллик бевосита бепуштлиққа сабаб бўлади. Негаки, аёл тухумдонидан сариқ тананинг узок вақт ишлаб чиқиши ҳомиладорлик содир бўлишига йўл қўймайди. Тухумдоннинг яллиғланиши, тўқималарнинг ўрин алмашиши, унинг битишмалар қуршовида қолиши ёхуд йирингли яраларга гирифтор бўлиши ҳам меъёрий фаолиятни издан чиқаради, натижада аёлга бепуштлиқ таъхисини қўйишга мажбур бўламиз.

Фаолиятимиз давомида шундай ҳолатлар ҳам учрайдими, айрим оналар қизларининг 18 ёшгача ҳам ҳайз кўрмаётганликларига парво қилмайди. Бу жараён узок вақт мобайнида бир маромга тушмаса, қисқа мuddатда бўлса, даволаш чораларини кўриш лозим. Чунки бу бепуштлиқнинг илк белгиларидир.

Она бўлиш — буюк бахт. Уни бошқа ҳеч нарса билан қийёслаб бўлмайди. Ҳар томонлама соғлом фарзандга она бўлиш эса икки қарра бахт. Шундай экан, қизларимизни бу улғу саодатдан бенасиб қилиб қўймайлик. Уларнинг саломатлигига бугундан эътиборли бўлайлик.

“Оила ва жамият” муҳбири
Шаҳло ИСМОИЛЖОН
қизи ёзиб олди.

Мушоҳада

Инсон ва инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти муаммолари узок асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва дошмандларнинг диққат марказида бўлиб келган. Шарқ мутафаккирларининг барчасини гоёвий жиҳатдан бирлаштирган асос шу бўлганки, улар шахс тарбияси ва камолотида оиланинг, оилавий тарбиянинг ролини юқори қўйишган, айниқса, шахснинг ақлий ва ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва тарбияловчи вазифалари муҳимлигини аниқлашган. Улар фақат оиладагина ривожланиши мумкин бўлган сифатлар — ҳалоллик, поклик, мардлик, сўзамоллик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик эканини кўп айтишган.

ТАРБИЯ ТУҒИЛГАНДАНОҚ БОШЛанади

Шу ўринда улғу мутафаккир бобомиз, олим-энциклопедист Абу Райҳон Беруний ўзининг “Минерология”, “Геодезия”, “Ҳиндистон”, “Утган авлодлар обидалари” каби асарларида инсон шахси, унинг камолоти, ақл-идроқи, ҳаловат ва лаззати, шунингдек, сабр-тоқат ва камтарлик, гўзаллик ва дид, поклик ва худбинлик каби тушунчаларга инсон руҳиятининг билимдони сифатида таъриф берган. Унинг “Минерология” асарида шундай дейлади: “Инсон жамиятда ўз қаролдош-уруғлари билан бирлашиб олишга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларини таъминлаш учун ишларни бажаришдир”.

Шарқ алломаларидан бири Абу Али Ибн Сино эса “Тадбири манзил” асарида оилавий муносабатларнинг турли томонларини ёритар экан, авваломбор, оила бошлиғи олдида қатор талабларни қўяди. “Оила бошлиғи, — деб ёзади у, — ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан оилада тарбия масалаларини мукаммал ўзлаштироғи лозим. Агар оила бошлиғи тажрибасиз бўлса, у ўз аъзоларини яхши тарбиялай олмайди, охир оқибат, у яхши ижобий натижаларга эриша олмайди, ёмон тарбия нафақат ушбу оилга, балки қўшниларга, маҳалла-қўйга ҳам ёмон таъсир қилиши мумкин. Оиладаги бола тарбияси ота-онанинг жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, уларнинг бирламчи вазифасидир”.

Ибн Синонинг таъбот, инсон тарбияси, ўзаро муносабатлар хусусидаги фикрлари жуда қимматли бўлиб, уларни ҳозирги замон ёшлари онгига етказиш эса катта илмий-педагогик ва ижтимоий-психологик аҳамиятга эгадир.

Албатта, ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг бу борадаги қарашлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. У инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг асосий мезони поклик, меҳроқибат, софдиллик, тенглик ва дўстлик бўлишини кўпгина асарларида тарғиб этган. “Ҳазойин-ул-маоний”, “Махбуб-ул-қулуб” ва бошқа асарларида етук, баркамол инсоннинг ахлоқи, маънавияти, ўзгаларга муносабати, истезоди ва қобиляти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган.

Шунингдек, бу борада Мирзо Улуғбек, Нақшбанд, Оғаҳий сингари буюк мутафаккирларнинг ёшлар тарбиясига, тарбиячининг жамиятдаги ўрни, ахлоқ-одоб, феъл-атвор, оилавий ҳаёт, шахслараро муносабатларга доир қарашлари уларнинг асарларида раво ва ихчам баён этилганини таъкидлаш мумкин. Кейинчалик фан ва илму маърифат тараққиётида муҳим ўрин тутган XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида маърифатпарвар адиблар — Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Утар, Абдулло Авлоний ўз авлодларидан руҳланиб, ахлоқ-одоб, оила этикаси ва психологиясига оид қатор асарлар яратдилар.

Айниқса, Абдулло Авлонийнинг оила педагогикаси ва психологик фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Унинг 1913 йилда ёзган ва 1917 йилда иккинчи марта нашр қилинган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида оиланинг ижтимоий роли мукаммал очиб берилган. Фарзанд тарбиясида оиланинг ролини бирламчи қилиб қўяди: “...тарбияни туғилган кундан бошламоқ лозим экан. Тарбияни ким қилур? Қайда қилинур? — деган савол келаду. Бу саволга “биринчи уй тарбияси — бу она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси — бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир, — деган жавоб берсак”. Кўриниб турибдики, Абдулло Авлоний боланинг мукаммал тарбияси нафақат оилга, балки мактаб ва жамоат ташкилотларига ҳам боғлиқлигини эътироф этиб, тарбия масаласини умуминсоний вазифалар даражасида талқин этган.

Шоира ЭРНАЗАРОВА,

ЎзДК хузуридаги иқтидорли болалар академик
лицейи директори ўринбосари.

РЕКЛАМА

АНДРОЛОГИЯ ТИББИЁТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

куйдаги йўналишлар бўйича соғлигингизни тезда тиклашга ёрдам беради:

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ (гинекология хизмати) — Турли яллиғланиш хасталиklarини аниқлаш ва даволаш; аёллар гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш; аёллар бепуштлигини аниқлаш ва даволаш; ёшга нисбатан бўлиши мумкин хасталиklarини аниқлаш; ҳомиладорлиқни аниқлаш.

аниқлаш; эркаклар саломатлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва даволаш; эркаклар бепуштлигининг сабабларини аниқлаш ва даволаш; ёшга доир гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш.

ТУРЛИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ — қондаги биохимик таҳлиллар (Алт, Аст, билурубин, холестерин ва бошқалар), гормонлар таҳлиллар, ўсма касалликларини аниқлаш таҳлили; вирусли гепатит касалликларини аниқлаш.

УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИ ВА ДОПЛЕРОГРАФИЯСИ (УЗИ).

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 14-мавзе, 28-уй. Тел: (+99871) 275-82-73.

Хизматлар лицензияланган

ЭЪЛОН

ЎзДЖТУ томонидан
Патсаев Кайрат Ма-
хамбетовичга 1996
йилда берилган
№0990081 рақамли
диплом йўқолганлиги
сабабли

БЕКБОР ҚИЛИНАДИ.

Биринчи ҳикоя:

...Ўттиз бешга кирса ҳамки, тенги чиқмаган Фариза кўзини чирт юмди-да, бир дугонасининг опаси билан хорижга жўнаб кетди. Шундан бошқа чораси ҳам йўқ эди. Ўзидан кичик янгасининг кўзига ёмон кўринавериш, акасининг ўдағайлашлари, кунда-кун ора уйда бўлиб ўтадиган жанжаллар, бундан безган онасининг ёзғиришлари... бари-бари унинг жонига текканди. Бир куни... акасининг оғзидан: "Ҳеч йўқса, бирортасига «заушний» бўлиб тегиб кет, биз ҳам тинч яшайлик", деган гап чиққач, туғилиб ўсган уйда энди мутлақо ортикча акасининг ич-ичидан хис қилди...

Шу куни хардамхаёл бўлиб юрганида дугонаси Наргиз уни опасиникига бошлаб борди. Айтишича, анча йиллардан буён хорижда ишларкан. Яқинда қайтибди, олиб келган нарсалари кўзни қувнатарди. Чиройли кўйлақлар, асл чинни идишлар, тақинчоқларни кўрган кишининг ҳаваси келади. «Одамлар пулни қаердан топишади, а? — ўйлади Фариза уларни силаб-силаб қўяркан. — Агар мен ҳам кафеда оддий ишчи бўлмай, катта-катта пул топганимда, акам ҳам, хотини ҳам соямага салом беришарди. Ҳозир онамга ҳам малол келмасдим...»

— Опа, маошнинг шунчалар кўпми? — деб сўради у Наргизнинг опасидан.

— Ойига минг доллар. Қолаверса, у ёқда бунақа нарсалар сув текин. Бир ойлик маошинга бир дунё нарса сотиб олсанг бўлади, — бепарво оҳангда жавоб берди аёл.

— Фаррошликка бўлсаям майли, мени ҳам ўша ёқларга олиб кетинг, — беихтиёр Фаризанинг оғзидан шу гап чиқиб кетди. Уни шунчалар ялинчоқ оҳангда айтдики, Наргизнинг опаси эътироз билдиролмади.

— Қўлингизда бирор хунарингиз борми? — сўради ундан.

— Ие, опа, нима деяпсиз? Ажойиб пишириқлар, тортлар пиширадики, оғзингизда эриб кетади. Шу борлиги учун кафемиздан одам узилмайди-да! — унинг ўрнига жавоб берди Наргиз.

Аёл бу гапдан коникди шекилли, бир ойдан сўнг Фаризани ҳам ўзи билан олиб кетишга ваъда берди. Унгача ҳужжатлари ҳамда йўл ҳақини ҳал қилишини айтди...


... Ҳаш-паш дегунча йиллар ўтиб кетди. Фариза онасига ишонди, ҳар ойлик маошини унинг номига юбориб турди. «Ойи, пулларимни эҳтиёт қилинг, сизга омонат. Бу ердан боргач, алоҳида уй оламан. Сиз ҳам мен билан яшайсиз. Уйдан ортса, кичикроқ пиширик цехини очаман. Шу билан тирикчилигимни йўлга қўйиб оламан», дея қайта-қайта тайинлади телефонда гаплашганида. Онаси пулларини ишлатмай сақлаб туришга ваъда берди. Аммо... Саккиз йил деганда (орасира келиб-кетганини ҳисобга олганда) уйига қайтган Фаризани онаси куруқ қўл билан қарши олди. Акасининг

тагида эса яп-янги машина. Келиноийсининг бўйнию кўлида кўш-кўш тилла тақинчоқ. Уйлар таъмирланибди, сўнгги русумдаги жиҳозлар олинибди...

Акаси сиртига сув юктир-

келганини қил!

— Ака, ҳозир ҳазилнинг ўрни эмас. Ўғлим яримжон бўлиб қолиши мумкин. Раҳ-

Буни ҳаёт дейдилар**ЎЗИНГНИКИ
ЎЗАГИНГНИ
КЕСТАНДА...**

мади. «Сенинг пулларинг билан нима ишим бор. Менга жўнатибимидинг?» — деди пинагини бузмай. Онаси эса ёш боладай нигоҳларини ердан узмай ўтираверди...

Фариза хорижга қайтмоқчи эмасди. Лекин ўзиникилар уни уч кун хушлашди, холос. Пулларини яна сўраганида... бўлди жанжал, бўлди тўполон. Эртаси куни тонгда қиз биттагина жомадонини олди-да, уйдан чиқиб кетди. Беш йил ўтди орадан. Ҳалигача ундан дарак йўқ...

Ақанинг эса сочларига жуда эрта оқ тушди. Нега дейсизми? Ҳали коллежни тугатмаган қизи ёши катта бир одам билан қочиб кетиб, юзини қора қилди... Қизи ҳам ҳамон уйга қайтгани йўқ...

Иккинчи ҳикоя:

— Дилшод ака, жигарим, деб акангизга ишондингиз. Мана, сизнинг пулларингиз билан қизини узатиб олди. Энди, пулингизни қандай қайтариб оларкансиз, а? Пул жигардан бинога келган, дейишарди, ишқилиб, орага совуқчилик тушмасайди...

Дилшод хотини Ақиданинг кўнглидаги шубҳаларни аритмоққа уринди.

— Э, бунақа гапларни қўй. Акам виждонли одам. Ҳа энди, қизига яхши жойдан совчи чиқиб қолибди. Берманса бўлмасди-да. Кузда деҳқончиликдан пулингни қайтараман, деяпти-ку!

Куз ҳам келди. Бу орада Дилшоднинг кичик ўғли йиқилиб, оёғидан қаттиқ жароҳат олди. Шифокорлар уни дарҳол операция қилмасди бўлмайди, дейишди. Дилшод хотиржам эди, акасида анчагина пули бор, вазиятни кўриб турибди, берса керак...

Бироқ ака укага кўзини лўқ қилганча деди:

— Мен сендан бир сўм ҳам олмаганман. Бор, қўлингдан

мингиз келсин. Ахир, беш йил хорижда муздан совуқ гиштарларни чангаллаб толган пулларимни сизга юборганман.

— Бу эртагингга ҳеч ким ишонмайди. Агар бирор жойга арз қиладиган бўлсанг: «Бунинг ўзи ўғлимни ўша ёқларга олиб кетиб сотиб юборган, одам савдоси бўйича жиноятчи бу», деб ўзингни қаматиб юбораман.

— Нима? Ахир, ўғлингизнинг ўзи «Сиз билан кетаман», деб туриб олганди-ку? У ёққа боргач ҳам, мен билан бир ой бирга ишлаган, холос. Кейин ўзининг ошналарига қўшилиб кетган.

— Мен билмайман. Бошқа эшигимга келма!

— Худого солдим сизни, ака?

— Бор, бор, қўлингдан келганини қил, дедим-ку!

Уқанинг зўйига дарвоза қаттиқ ёпилди. Ўзи неча кундан буён касалхона эшиги тагида туравериш, хавотирдан юраги эзилиб тамом бўлаёзганди, акасининг хиёнати, беоқибат, ноинсофлиги паропора қилди қалбини...

Худого айтгани бор экан, ўғли операциядан яхши чиқди. Бир йил қўлтиқтаёқда юрди-ю, аммо кейин кўрмагандек бўлиб кетди.

Орадан олти-етти йил ўтди. Дилшод акаси билан ҳамон гаплашмасди. Дилининг органини ўғли билан андармон бўлиб бироз унутгандай бўлди, аммо ўртанаверди...

Бир куни қўшнисидан нохуш хабар эшитди: акасининг ўғли совуқ ўлкалардан икки оёқсиз қайтибди. Дилшод акасидан кўнгли сўрашга, жиянини кўришга боришни ҳам, бормасмаслигини билмай қолди...

Учинчи ҳикоя:

— Мен сизга ёмон одамларни рўбарў қилармидим,

келиноий? Ўзи шундоғам яримкўнгилик билан катта бўлган жиянларимни бахтли кўрсам дейман. Агар ўша одамлар билан қуда бўлсангиз, қизингиз ҳеч нимага зорикмай яшайди. Унақа куёвни ойдинда чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз! Агар сиз учун заррача ҳурматим бўлса, ўша йигитга берасиз қизингизни! Бўлмаса, мен бу уйга қайтиб қадам босмайман!!!

Қайсинглисининг охири гапидан сўнг келиноийнинг рози бўлмаслиқдан бошқа чораси қолмади. Кўнгли чопмаса-да, танимаган-билмаган одамлари билан қуда бўлди.

Куёвнинг аввал ҳам уйланиганини қиз бечора чимилдиқда билиб қолди. Аммо онасини ўйлаб, тишини тишига босди. Бечора волидаси уларни ёлғизқўллик билан катта қилди. Дадаси вафот этганида укаси беш ёшда эди. Шунча тортган жабрлари устига у ҳам тўй кечаси қайтиб борса, кўтаролмайди. Нима бўлса, пешонамдан кўрдим, деди у юм-юм ййлаб... Ёнига аммаси кирганида: «Нега бизни алдадингиз, амма?» дея олди, холос. «Сендан бошқа қизлар тикилиб ётувди, бу йигитга тегаман деган. Менга раҳмат дегин, сендай шумшиқни хотин қилишга кўндирганим учун. Товушингни ўчиргин-да, ҳақдингни бил. Шунда ҳаммаси яхши бўлади. Акс ҳолда, бадном бўласан, қиз ўлгур!» — деб аммаси уни чимчилаб олди.

Қизнинг ёнидан чиққан, куёвга қаттиқ тайинлади: «Оёғида бироз кулгичи бор қизимзининг, қаттикроқ турасиз-да, куёв!»

Бу гапни бутунлай бошқача тушунган куёв кунда-кун ора ичиб келиб, келинчакни аёвсиз уришни, «Амманг сени сууюқоёқ деган, сен шунақасан!», деб ҳақоратлашни одат қилди. Ойлаб давом этган калтаклашишлар асоратсиз кетмади, келинчакнинг уч ойлик ҳомиласи нобуд бўлди. Касалхонада кўп қон йўқотди, шифокорлар жароҳатлар боис уни бошқа она бўлолмаслигини айтишганида, куёв шу ернинг ўзидаёқ келинчакнинг жавобини бериб кетди...

Қиз бечора ярим жон бўлиб касалхонадан ота уйига қайтган кун бадавлат куёв катта тўй-томошалар билан учинчи мартаба уйланаётган эди...

Қиз ва унинг онаси аммасига наҳот, ҳеч нима дейишмади, дейсизми? Йўқ, дейишмади. Чунки ҳисоб-китобли дунё унинг қилмишига муносиб жавобни бериб улгурганди. Унинг қизи, куёви ва ўғли доводда автохалокатга учради. Биргина набираси омон қолди, холос. Қизининг жанозасида амма: «Сенга нима ёмонлик қилувдим, эй Худо?!» дея ёқа йиртиб, Яратганга иддао қилди...

Хулосага ҳоҳат ҳам йўқ. Ким қилмагай, ким тортмагай. Бу дунёда ҳеч бир ёмонлик ажрасиз қолмас. Фақат беғоналардан эмас, айнан ўзингиздан кўрган жабрнинг жафоси оғир бўларкан, шуниси дилни хира қиларкан. Истагимиз, қон-қариндошлар, ака-укалар, опа-сингиллар — бир қориндан талашиб тушганлар ўртасидан меҳр ипи узилмасин!

Шаҳло ТОШБЕКОВА.

Муштарий илҳом**АЁЛ**

*Асли гулдан позиксан,
Опа-сингил, онасан
Шўх-шодон, меҳрибонсан
Сен беғубор аёлсан.*

*Тикувчим, тўқувчи,
Кўли ширин пазанда.
Юртда эрка, арзанда,
Сен меҳрибон аёлсан.*

*Еру осмон бағрида,
Далаю дашт наҳрида,
Бил, оқибат шаҳрида,
Кўкси қалқон аёлсан.*

ОТА

*Кўргим келар сизни ҳар куни,
Жонингизга жон бўлолмадим.
Абадият олмиш бағрига
Ёпингизда кўп қололмадим.*

*Кўзингизга нур бўлай, қайтинг
Юзингиздан ўргалай, ота.
Нелар қилар бағри тош тақ-
дир,*

Тупроқ менадан бахтлироқ ота.

*Суюянган тоғ — сизсиз,
Билмабман,
Ҳатто тоғлар пасайди, ота.
Улкал дарё оқди сезмабман,
Тушларимга кирсайди, отам.*

*Изингизда гуллар улмоқда,
Неваралар сўроқдаб йиғлар.
«Отаси бор одамлар бахтли»
Айтилган сўз бағримни
тиғлар...*

Юлдуз РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Оҳангарон тумани.

ҲАЁТ ЙЎЛИ

*Ортда қолди ҳур ёшлик чоғим,
Олтин даврим туғаб бормоқда.
Дуога тўлдириб қумуш қосагини,
Кексалик эшигин қоқмоқда.*

*Меҳрим булогидан симириб,
Ўғил-қиз — чаманзор,
боғ бўлди.*

*Оқибат ҳосилин терипман,
Набиралар суюнч тоғ бўлади.*

*Тегмасин деб ганим кўзлари,
Тумор битиб, тақай кўзмунчоқ.
Узоқ умр тилаб уларга,
Соғлиқ сўрай Тангридан ҳар чоқ.*

*Бу яратган боғу бўстони,
Халқимга эш, доим хизматда
бўжви.
Туриш шамол ҳамда тўзондан,
Ватанимни кўриқлаб турсин.*

Фарида УСМОНОВА,
Юнусобод тумани.
Ташкент шаҳри

УРГУТНИ БИР КЎРМАБСИЗ...

Ёхуд Ғўс қишлоғига сафар хусусида



...Ўтган йили киш адоқлаб, кўклам оёклаётган кезлар эди. Табиатда майинлик сезилса-да, қорнинг захри кетмаган. Негадир ўша кунлари руҳимда ҳали уйғонмаган заминнинг қиёфасига мос тундик бор эди. Қизик, бундай кезлари на китоб, на бир издиҳом одамнинг тафтини оларкан! Қаерга қарамай ёки қай саҳифани варақламай, ўзимдай қиёфаларга дуч келардим. Ҳозирлари хотирласам: "Энграб борганнинг олдидан йиғлаб турган чиқибди", деган нақл эсимга тушади. Кўнгилга қил сиймаган ўша кунлари жўрам Салим Абдурахмон телефон қилиб қолди. Инжилибгина у ёқ-бу ёқдан гурунглашдим. Сухбат ҳавосига киришиб олиш учун тўйи борасида ҳазил ҳам қилдим. Шу маҳаллар тенгқур бўйдоқлардан бири Салим эди. Аммо, буюм руҳий тушқунликдан чиқилишига ёрдам бермади.

— Ака-а! — деди Салим суҳбат якунида табиатига хос босиқлик билан. — Яқинда ургутлик жўраларимдан бири кўпқарилди тўй берапти. Шунга айтмоқчи эдим. Хўп десагиз, бирга бориб келардик, ҳаво алмаштирардингиз.

Уч кундан сўнг "хаю-хуйт" деб кўпқарига жўнадик. Биз жорадиган манзил Ургутнинг Ғўс деган тоғли қишлоғи экан. Салим йўл-йўлакай Ғўсни, тўй қилаётган жўрасини орқавордтан таништириб борди.

— Сирох (айтганча мезбоннинг исми шундай эди) билан талабаликнинг кўп яхши кунларини бирга ўтказганмиз, — гап орасида қистириб ўтди дўстим. — Илми бола, чемпион! Институтгайм ўз кучи билан кирган. Қишлоқдош укаларини ҳам катта-катта университетларга киргизган. Самарқандда репетитор.

Очигини айтмай, мақтовни бошқачароқ қабул қиламан. Ўзбекнинг мақтовиди инжа ҳолат бор. Яъни, хаспўшлалаш, бўрттириш, кўкка кўтариш ва... ҳатто ерга уриш, ҳоқозо тўйгулар руҳимизга шу даражада сингиб кетганки, булар бевоисита кўхна фольклор намуналаримизни ёдга солади. Орамизда шундай одамлар борки, ерга уриб ҳам қусуригизини айтиб, сўнг мактайти. Ҳатто сўкиб ҳам мактайти. Машинаси Сангзор ва Зарафшон оралиғидаги бепоеён кенгликда чайқалиб борарди. Бу ерлардан мен туғилган қишлоқ, болалигим қолган кунгай адирлар яқоқл қўриниб турарди. Салдан кейин лойқа пўртаналарни суриб келаётган Зарафшон устидан ўтдик. Ўнда Мухаммад Шайбонийхон қурдирган кўприкни томоша қилдик. Ситамларга дош беролмаган кўхна иншоотнинг ҳозир бир бўлаги қолган. Ярми чор харбийларнинг замбараклари остида чилларчин бўлган. Буюк Ипак йўли — Зарафшон устида бел бўлиб турган кўприк олис мозийдан садо бериб, сўппайиб турарди.

Чўпонота тепалиғидан эниб, Қарши йўли билан чапга бурилганимизда улкан харитага кўзимиз тушди. Унда бобомиз Амир Темур боғларининг чизмаси акс этган эди. Не-не урсурларга гувоҳ она ернинг

олти аср илгариги кечмиши бор унда. Дафъатан Абутоҳир хожанинг "Самария"сидаги айрим лавҳаларни эсладим. Биз оёқ илган мавзе, Зарафшон қирғоғидаги жойлар ўтмишда Шовдор тумани дейилган. Деҳқончилик ва боғдорчилик билан тилга тушган. Серсув олмазар, қарсилдоқ кишимиши шу ўлкада етиштирилган, дейди муаррих. Бугун ушбу сувот далалар Тайлоқ туманига қарашли. Тайлоққа бурилганимизда йўл таъмирланаётгани боис секин юрдик. Анча вақт ўтиб, халқ "Ургут дарвозаси" дейдиган аркадан ўтиб, машхур "Ургут бозори"га етиб бордик. Бозордан Ғўсгача обдон йўл азобини тордик...

Бундай кезлари суҳбатини созлар нима қилади? Ундан бундан гап суриб вақт ўтказарди. Шундайин, биз ҳам Ургут ва шу ернинг таниқли кишилари ҳақида хангома қилдик. — Абдусаид акани биласиз?! — Салим кўтаринчилик билан гап бошлади. — Кейинги йилларда баракали ижод қиляпти. "Эл сув ичган дарёлар", "Баҳор" деб номланган китоблари яхши таассурот қолдирди менда. Устоз тўғри-сида "Ургутнинг бургути" деган мақола ёзди...

Шу топда жўрамиз таниқли адиб Абдусаид Кўчимов ижоди ҳақида батафсил сўз юритмоқчи эди, кимдир кўнги-роқ қилиб, ҳафсаласини бўлди-ю, — Бундай дилбар инсонлар юртимизда кўп, — дея гапини қисқа қилди...

Тоғ йўли билан ошувга чиққанганимизда мезбонлардан бири кутиб олди. Йўл бошловчи билан озроқ юргач, кенги сайхонликдаги кичик кўрғоннинг устидан чиқдик. Бу жой туман марказидек тус олган: машиналар тигиз, олди-сотди авжида, гавжум манзил эди. Сой устидаги кўприкдан ўтиб, Салимнинг ошнасиди бўлишимиз. Сирохиддин билан кўришдик. Ака оқ-сарикдан келган, хушмуомала йигит экан. Машинадан тушишимиз билан чап қўлгада шинам чойхонага бошлади...

— Аттанг, бироз кеч қолдинглар-да, — лутф билан гап бошларди даврадошлардан бири. — Таомни энди уйга давом эттирамиз. Улоқ охираб бораётибди, шу маҳал аини қизиган...

Мезбон тўғри айтган экан.

Майдонга етганимизда солимовинлар юқорилаб, тойнинг улоғи чопилаётган экан. Шу ўринда кўпқарийойни тасвирлаб берай.

Булутларга ёндош чўққилардан шарқироқ сой оқиб тушади. Музликлардан сизиб келаётгани учунми, суви жуда совуқ. Кўл ботирсангиз, этингиз жимирлайди. Ҳамроҳлариди мизнинг айтишича, юқорида Сойи Ғўс деган қишлоқ бор экан. Ундан кейин Ғўс бошланаркан. Ғўс марказида сой устига кўприк қурилган. Сув йўли билан пастга тушаверганингиз сари сайхонлик кичрайиб, икки ёни тик қоялардан иборат жарлик юзага келади. Ер бети текис бўлса-да, шағирлаган тош, саҳни улкан футбол майдонича бор. Соё унинг гирдидан оқиб ўтади. Кунчиқарига юккаш автоуловлар терилиб қур тикилган. Қурдан бериқоққа айланаси ўн беш-йигирма қадамлик сомон — марра қилинибди. Тележка судраган тракторда солим тикилган талкалар уч юз-тўрт оз қалма на-рига ташлаб келинаётир. Трактор жилгани ҳамон пиёдалар тўдаси гувиллаб ҳаракатга тушади. Кимдир қамчи ўйнатади, кимдир отини никтайти, кимдир полвонини олқишлайди...

Энди Ургут отларини таърифлаймиш. Бу ернинг йилқилари майда, лекин чайир. 100-150 отли уюрда йирик от санокли эди. Бевоҳларнинг танаси калта, қарчиғайи энли, бели бақувват. Менимча, бу — тоғнинг таъсири бўлса керак. Йилқиларнинг тилиди: "Сувот оти йирик бўлар — бўш бўлар, даштнинг оти пишиқ бўлар — паст бўлар!" деган гап юради. Галага назар ташлаб: "Тоғ отлари ҳам катта бўлмас экан" деб ўйладим. Ҳартугул, хонзотлиги даврандан маълум эди. Кейинчалик Нуротадам шундай йилқиларни кўрдим. Уларнинг ажойиб хислати — ўта чаққон ва югуриклиги. Кўпқарини кузата туриб амин бўлдим. Така ташланиши билан қайсидир чопагон ердан узиб тақимига босар, абжир оти тўдани қушдек ёриб чиқарди. Милтиқнинг ўқидек сувиллаб кетишини кўрганингизда эди унинг!? Шубҳасиз, мендадин ишқибозига айланар эдингиз!

Кези келганда қуйидаги воқеани келтираман.

Улоқнинг урҳурига маҳлиё бўлиб четроқда турган эдим, Сирохиддиннинг амакиси — Носир ака етовиди гунон билан келиб қолди.

— Қани, меймон, бир кўрунг, сиззи чавандоз деб эшитдик! — деди менга отни рўпара қилиб.

Дафъатан Салим отга яқинлигимни кўшиб-чатиб гаприб берганини англадим. Минай десам, синалмаган бегона от, минмай десам, мийиғида кулиб турган

дўстимнинг олдида ким деган одам бўламан. Бисмиллоҳни айтиб, узангига оёқ солдим. Қурнинг олдида таканинг бири ётган экан, шинавандалардан бири: "Мухбер чавандоз бир энкайсун-чи?!" деб қолса бўладими! Буниси жўрамнинг ҳазилидан ҳам ошиб тушди. Таваккал деб жилов бурдим. От така устига борганда: "Жолтонг пирлар кўлласин!" дея илқис улоққа узалдим. Шу пайт тағимдаги бедов чунонам диркиллаб ёнга силтандики... ҳалиям билагимни эгарқошдан ўтказиб олган эканман, ўнг томонга шалвираб осилиб қолсам-да, эгардан тушмадим.

— Хой, қанақа одамсанлар! — кур томондан хитоб келди ўнглашиб олганимда. — Кети эгарга ўрганмаган одамга гунон берасанларми? Тўдақаш от йўқмиди?..

Сўнг оловранг жийрон келтиришди. Жонивор тўданинг ҳадисини олган экан: "Ҳайт!" дейишингиз билан галанинг ичиди сувилондай оралар, қамчи берсангиз, ўқдай отилиб чиқарди. Хунарини кўриб гаштим келди: уюрдан ажралиб кунботарга жилов бўшатдим. Туёғинг дард кўрмагур шағирлаган тошқоқда қарчиғайдек елиб борар, тезликнинг зўридан кўзларимдан ёш сизарди...

Ургут отлари шунақа — илдамлиги зўр, қушни доғда қолдирадиганлар қилиди. Фикрича, булар қадимий Хуттал отларининг зурриёди бўлса керак. Аҳмад Закий Валидийнинг эсдаликлариди улар тўғрисида ноёб маълумотлар бор. Чунончи, Тахтиқорача довоидан ўтишда баданидан тер сизмаганини, танаси йирик бўлмаси-да, пишиқ ва чайир эканини қайд этган. Юриши ва чопқирлигини қимматбахо араби тулпорлардан устун кўйган. Қишнинг қаҳратоню ёзнинг саратонига бирдек мослашиши камёб хайвонларда учрайдиган миждо дейди муаррих. Қарши ва Самарқанд атрафида асл аргумоқлари сақланишиниям эслатиб ўтади.

Улоқ нихоялагач, Носир ака бошчилигида тўйхонага — Сирохиддинларнига йўл олди. Ҳовли гавжумлиги учун гузар меҳмонхонасига кўндим. Кўнимжойимиз билан тўйхона ораси эллиқ қадамлар эди. Шу

Йўл очерки

орада мезбонлар уйда "Хотинлар базми" давом этаётганлигини, салдан кейин "Ёшлар базми" да иштирок этишимизни таъкидлашди. Кейин билсам, Ургут тўйлари "наҳор оши", "катта йиғин", "хотинлар базми" ва "ёшлар базми" дан иборат экан.

Авал Сирохиддиннинг дадаси Нажмиддин ака билан яқиндан танишдик. Бир пас ўтиб, оппоқ соқолли, салобатли мўйсифид кириб келди. Бу киши дўстимизнинг бобоси Намоз ота экан. Камгап, сермулоҳза бўлса-да, жуда киришимли. Замона зайлидан, ўтган воқеалардан қизик-қизик гаприб бериб ўтирди. Тайинки, хангомамиз кўпқари ва қишлоқ ҳаёти ҳақида борди. Даврадагиларнинг ярми чавандоз, ярми йилқичи, қолгани улоқнинг ишқибози.

— Сиз ҳам майдон оралаб турасиз-ов?! — қаршимдаги полвонкелб киши эътиборимни тортгач савол бердим.

— А-а, бу — биззи ишонган чавандоз-ку! — деди даврадошлардан бири савол эгасининг жавобини ҳам кутмай. — Ғўслиқ Бобошер шу-да, меймон!..

Бобошер ака шу ўртанинг тилга тушган чопагонларидан экан. Унта савол берсангиз, биттасига қисқагина қилиб жавоб берадиган, хунарини от устида кўрсатадиган чавандознинг феъл-атвори илқ таассурот қолдирди. Мен минган жийронни ака чопар экан. Гап орасида жониворнинг етти аждоди тўдақаш, улоқчи от ўтганини айтиб берди. Сухбатдошимнинг сўзларида Ургутнинг кўпминг йиллик иппологияси акс этиб турарди. Даврадагиларнинг феъл-атвори, қусури-ю фазилатлари обдон муҳокама бўлди. Ўтмишдаги полвонлару донгил отларнинг эртанамо хангомагарига сеҳрлиниб қолгандай эдик. Гурунгимизни оқ ўтовга йиғилиб, Алпомишу Кунтуғмишларнинг баҳодирликларини сел бўлиб тинглаган отларимизнинг тонготар кечаларига менгзаса бўларди. Жўмард ва оққўнли Ғўслиқларни кўриб, шоир Саъдулла Ҳакимнинг ушбу сатрлари ёдимга тушди:

Эр йигитнинг кўнглида
эгарланган от ётар,
Қадам қўйса зулматга
изларида тонг отар.
Бутун миллат юкига
елка тутар эр йигит,
Эр йигитнинг номуси
миллатини уйготар.

Кеч тушди. "Ёшлар базми"-дан чиқиб, хуфтон вақти Тошкентга отландик. Ғўслиқлар ҳар қанча ундаса-да, қолмоқнинг иложи йўқ эди. Кўндалик тирикчилик ва ишонганинг юмушлари имкон бермасди, бунга. Мезбонлар оғринса ҳам хайр-хўшлашиб улвога ўтирдик. Машинасиди қияликдан оқар сувдай эниб тушаркан, Ғўснинг чироқлари милтираб тобора узоклаб борарди. Ургут тоғларидан йироқлаганимиз сайин танти ва тўпори мезбонлар қиёфаси кўнглимнинг қат-қатларига муҳрлиниб бораётгандек эди...

Анвар СУЮНОВ.

Мақолада ёзилганидек, Оқил ака ва Сожидахон опа сингари кўлаб ота-оналар қизларини бекаму кўст узатиш учун бор-будини сарфлаётгани рост. Бу ҳам етмагандек, бугунги кунда қизларнинг "ҳовли тўйи", "суннат тўйи"га олиб борилаётган тўёнлар ҳам ота-онанинг чўнтагига оғирлик қиладиган даражага етди. Натижада мақоладаги Рисолатнинг ота-онасига ўхшаб қарзга ботаётганлар ҳам ора-мизда анчагина топилади.

Муаллиф таъкидлаганидек, ҳар бир нарсанинг меъёри бўлиши керак. Рисолат ота-онаси олиб берган нар-

саларни миннат қилганида Фанишернинг ҳамиятига текканидек, келинларнинг миннатли моли йигитларга татимайди. Ориятли йигитларимиз миннатли ошдан, миннатсиз ёвгонни афзал кўришади. Фанишер тўғри йўл тутиб, совға-саломлар-

қимматлисини йигит томоннинг ўзи харид қилган-ку! Бизнинг давримизга келиб эса ота-оналар ҳам қиз узатиб, ҳам қимматли мол-мулк ҳада қиладиган бўлишди. Қизларимиз эса "Фалончи дугонанинг ота-онаси" им-

Акс-садо

борган совчилар: "Айланай кулчиликка келдик", деган сўзининг мажозий маъноси бор: яъни, йигит томон тўйнинг қарийб 80 фоиз сарф-харажати қўтарамиз дегани эмасми?! Наҳотки, ота-оналар, узатилаётган қизлар буни тўри тушунмас...

Саодат
РАХМАТОВА,
Нурота туманидаги
"Турко" МФЙнинг
"Маънавият-тарғибот"
комиссияси раиси,
фахрий.

СЕПЛИ ЭМАС, ЭПЛИ КЕЛИН КЕРАК

"Аёлнинг моли миннатли(ми?)"

нинг бахридан кечади, аммо турмуш ўртоғидан, фарзандларидан кечмайди.

Ахир қадимдан уй жиҳозларининг энг керакли ва

портний" мебель олиб берган, менга ҳам шунақасини қилинг!" дея оёқ тираб туриб олишапти.

Бўй етган қизларнига

ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН

Нотариуснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот берангиз.

Л.Умарова.

— Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни 3-бобининг 17-18-моддаларида нотариуснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз ифодасини топган.

Жумладан, мазкур бобнинг 17- моддасида: "Ўзига мурожаат қилган барча шахслар учун ушбу Қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи Қонун ҳужжатларида белгиланган қўйилган ҳоллар бундан мустасно; битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлаш, шунингдек, нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш; давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ҳамда олиш", ҳуқуқларига эга эканлиги белгиланган. Ушбу Қонуннинг 18-моддасида: "Жисмоний ва юри-

дик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши; томонлар тақдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириши; юридик ҳижатдан беҳабарлик жисмоний ва юридик шахслар зарарига фойдаланилмаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни оголантириши; қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга ошириши рад этиши; нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар қўрилиши учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши" нотариуснинг мажбуриятлари сифатида белгиланган.

Саволга Бекобод шаҳар ДНИ катта нотариуси
Гулзира ШАРИПОВА жавоб берди.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР! ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

"ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ" ЖАМОАСИ

ҳар шанба соат 12⁰⁰ – 17⁰⁰, якшанба кунлари соат 17⁰⁰ да ўзбек циркининг юлдузлари, халқаро ва мамлакатимиз мукофотлари совриндорлари иштирокида катта цирк дастурларини намойиш этмоқда.

Махсус дастур асосида тайёрланган томошалар Тошкент Давлат циркининг моҳир акробатлари, кўзбойлогичлари, ҳайвон ўргатувчилари, масхарабозу қизиқчилари ҳамда дорбозлари иштирокида намойиш қилинади.

Муҳтарам ота-оналар! Маза қилиб ҳордиқ чиқаришни, фарзандларингиз қувончига шерик бўлишни истасангиз, марҳамат, ажойиб томошалардан иборат дастурларимизга ташриф буюринг!



Хизматлар лицензияланган

Мурожаат учун
телефонлар:
244-35-94,
244-35-91.

"ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ЦИРКИ"
маъмурияти.

ЭЪЛОН

«КАФОЛАТ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ» АЖ Тошкент шаҳар филиали Шайхонтоҳур туман бўлими шунинг маълум қиладики, 2014 ва 2015-йил ярим йиллиги мобайнида бириктирилган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича

KF 1349112	KF 1510000	KF 1399042
KF 1399048	KF 1399207	KF 1399043
KF 1399049	KF 1399208	KF 1399044
KF 1399227	KF 1399209	KF 1399201
KF 1399228	KF 1399210	KF 1399202
KF 1399229	KF 1399211	KF 1399203
KF 1399230	KF 1399212	KF 1399204
KF 1399231	KF 1399213	KF 1399205
KF 1399232	KF 1399214	KF 1399243
KF 1399233	KF 1399215	KF 1399244
KF 1399234	KF 1399216	KF 1399245
KF 1399235	KF 1399217	KF 1399246
KF 1399236	KF 1399218	KF 1399247
KF 1399237	KF 1399219	KF 1399248
KF 1399238	KF 1399220	KF 1399249
KF 1399239	KF 1399221	KF 1399250
KF 1399240	KF 1399222	KF 1399343
KF 1399241	KF 1399223	KF 1399344
KF 1399242	KF 1399224	KF 1399345
KF 1399243	KF 1399225	KF 1399346

рақамли сугурта полиси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАОБОВ

Саҳифаловчи — Дилмурод ДЎСТБЕКОВ
Мусаҳҳилар — Саидғана САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 4333. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5